



электрон газетанинг QR коддини ўзингизга юклаб олинг!

21 октябрь



ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ!

Она тилим

Минг йилларким булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

Тил борки, миллат барҳаёт!

Шехроз НОРОВ,
Когон шаҳар кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати
ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси

Тил давлат тямосли, миллат кўзгуси, маънавият сарчамасидир. Жамикни эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳи, маданий ва маънавий бойлиги, халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир.

Машҳурларнинг аёллари

Аёлга қалб кўзи керак

Тил қалб таржимони, миллатлар, элатларни бир-бирига боғловчи — маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар айтганидек — "... воситаи робитаи олами-ёндур". Бугун 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида байрам қилиниши ҳам бежиз эмас. Она тили — миллат руҳи. Уни софлигича сақлаш, келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Ораимизда шундай инсонлар борки, улар ўз иши, сўзи, амали, шогирдлари, фарзандларига бераётган тарбияси билан ҳам тилимиз, миллатимиз боқийлигига камарбаста бўладилар. Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов ўзбек халқининг юзлаб ана шундай фидойиларидан бири. Унинг сурати ва сийратига чизгилар бериш учун Баҳодир Каримовнинг рафиқаси Гавҳар ЖУМАМУРОДОВАНИ суҳбатга чорладик.



Фракция йиғилиши

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОДАЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги қонунига он-лайн тартибда ёки давлат хиз-

матлари марказига бориш орқали гаров хатини расмийлаштириш, гаров хати билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинмоқда.

Электрон гаров хати концепциясининг жорий қилиниши гаров хатини расмийлаштириш, уни бериш ва тегишли равишда, умуман, қайта молиялаш жараёнини жиддий тарзда соддалаштириш имконини беради.

Қайд этилганидек, лойиҳадаги нормалар томонларга мулк бўйича мавjud юклар ҳақида ҳолис ва аниқ маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муносабатлар билдирилди ва кун тартибдаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

— Олий ўқув юртларига қабул жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Хусусан, ОТМларда коррупцияга қарши курашиш бўлимлари очилди. Айни пайтда мазкур бўлимда фаолият олиб бораётган ходимлар порахўрликка қарши курашиш борасида жиддий ишларни амалга оширишмоқда, — дейди Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, партия фаоли Ориф Бозоров.

“АҲОЛИ КАЙФИЯТИ — ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ”



МОЗИЙГА ЯШИРИНГАН ХАЗИНАЛАР



ТИЛ “ҚАБРИСТОН”И КЕНГАЙМОҚДА...(МИ?)

ёхуд тил байрами арафасидаги ўйлар



(Ушбу сурат Қарши шаҳрининг марказий кўчасидан олинди).

...Ана шунча гаплар, азиз миллатдошим. Биз ўз қўлларимиз билан тилимизга, миллатга қабр қазимокдамиз. Шунинг баробарида тил байрамини ишонлаше ҳам улгурамиз. Қайси тилинча байрамини, деган савол тугилади. Наҳот ногирон, касалманд бўлиб қолган

тилга байрам уюштирсак, базму жамшид қилсак? Шунинг баробарида ўн-йигирма йиллар мобайнида қайси имлога ўтишни келишолмай, бир-биримиз билан талашиб-тортишиб юрсак... Бунга қандай тушуниш мумкин?

2022 йил – Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили



“АҲОЛИ КАЙФИЯТИ – ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ”

Маълумки, бугунги кунда маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда ёшлар етакчилари фаолият юритмоқда. 2022 йил – Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида уларнинг маҳалла раислари, фаоллари билан баҳам-жихат, бамаслаҳат ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Онда, ёшлар, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизими янги даражага олиб чиқишни натижа-сида маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш ишлари янада такомиллаштирилди, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шах-слар фаолияти самарали ташкил этилиб, ўзаро ҳамкорлик таъминланди. Бизнинг маҳалламизда ҳам мазкур ислохотларнинг самаралари яққол сезилмоқда.

Ҳилола РЎЗИМУРОВА,
Навойий шаҳар “Зиёкор” маҳалласи фуқаролар
ийгини раиси,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати

Яқинда ўз ташаббусимиз билан нурунийларимиз ҳақидаги маълумотларни тизимлаштирдик. Натижада бугунги кунда маҳалла ҳудудида истикомат қилаётган 43 нафар нурунийлар, ногиронлиги бўлган 11 нафар хотин-қизлар доимий эътиборимизда. Маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган, ижтимоий аҳоли оғир 61 нафар хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилган бўлиб, шундан 30 нафари ўзини ўзи банд қилган ва уларга субсидиялар ажратиш режалаштирилмоқда. Уларнинг бир қисми мономарказда ошпазлик, сартарошлик, тикувчилик бўйича таълим олмақда. Баъзиларига имтиёзли кредит ажратилган, баъзиларига кредит ажратилиш арафасида. Бокучиси бўлмаган, эҳтижман ҳотин-қизларнинг 35 нафарида бир миллион икки юз минг сўмдан пул маблағлари йўналтирилди. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизларга 66 мартаба ба-пул озиқ-овқат махсусопплари



тарқатилди. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг 10 нафари-га бир миллион икки юз минг сўмдан пул маблағи берилди. Елғиз яшовчи нурунийга жарроҳлик амалиёти учун беш миллион олти юз йигирма минг сўм миқ-дорда пул маблағи ажратилди. Қолган хотин-қизларга йилнинг охиригача бир марталик моддий

лар, “Дийдор ширин” мавзулари-да тадбирлар ташкил этилди. Маҳалламиздаги лицейда кекса авлод вакиллари иштирокида “Ота-онам дуоси – олтиндан қим-мат”, “Қариси бор уйинг париси бор”, “Қизим! Сизга айтар сўзим бор”, “Олтин олма – дуо ол”, “Хона-дон файзи” мавзуларида тарғи-бот тадбирлари ўтказилди. Шу-

минлаш орқали аҳолини рози қи-лишга қаратилгани яна бир бор таъкилданди. Президентимиз йўғилишида “Барча ҳоким ва ва-зирлар эшитиб олсин. Президент сиёсати ва талаби шундай: ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёнғиз қолмаслиги керак. Аҳоли кайфияти – ислохотларим-из ва сиёсатимизнинг кўзгуси. Катта-кичик бўладими, аҳоли-миз кўтарган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириш, уларни боқичма-боқич ҳал қи-лиш барча даражадаги раҳбар-ларнинг энг устувор вазифаси бў-лиши шарт ва зарур”, деб айтил-ди.

Юртбошимизнинг селектор йиги-нида куйиниб айтган ушбу гаплари-дан сўнг олдимизга янада катта мақсадларни қўйдик. Маҳаллаимиз-нинг ташаббусли Бюджет лойиҳа-сини ишлаб чиқиш, унинг янада қўрқам ва обод бўлишига, ҳар то-монлама ривожланишига ҳисса қўшиш асосий вазифамиз. Албатта, маҳалла аҳлининг розилиги учун бор куч-гайратимизни сафарбар этамиз.



Ҳуқуқий маданият шаклланишида партияларнинг ўрни

Партиянинг Яқкасарой туман кенгаши раиси Ф.Саидов, халқ депутат-лари туман Кенгаши депутатлари М.Ахмадов ва Ж.Насруллаев ишти-рокида Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник хушхалат тартибга солиш илмий-тадқиқот институтида «Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида дара-саба таълим ташкил этилди.

Фарҳод САИДОВ,
Яқкасарой туман кенгаши раиси

Табрида сўзга чиққанлар томонидан «Адолат» социал-демократик партияси-нинг энг муҳим дастурий вазифаларидан бири – жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботи-ни тубдан яхшилаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳияти-дан кенг хабардор этиб бориш эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.



Худудлардан хабарлар

Ётоқхонада кутубхона иш бошлади

Президентимизнинг “Китоб махсусотларини нашр этиш ва тарқати-ши тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик мада-ниятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республикаимиз бўйича китоб тарқатиш бўйича қўшдан-қўш ақия-лар уюштирилмоқда, эл орасида ардоқли инсонлар турли таълим мас-канларида бўлиб, китобхонлик тадбирларини ўтказмоқда.



Ана шундай тадбирлардан бири халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши де-путатлари Абдурауф Аҳмедов, Гулнеҳра Равшанова ҳамда Бухоро шаҳар ҳокими Уринбосари – Ойла ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Маърифат Умарова ҳамкор-лигида Бухоро шаҳридаги “Садриддин Айни” МФЙ “Санъатчилар” кўчасида ян-гида ташкил топан ижтимоий Аёллар ётоқхонасида бўлиб ўтди. Албатта, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда етакчилик сифатларини ривожлантириш, ташаббусларини рағбатлантириш, жамиятда тут-ган ўрни ва роҳини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг аҳамияти беқеъ-дир. Юртимизда ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва иқтимоий қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш, уларга давлат томонидан манзилли тарзда қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шундан саяъ-ҳаракатларнинг яна бир кўриниши сифатида мазкур Аёллар ётоқхонасида кутубхона ташкил этилиши аёлларимиз учун ақойиб совға бўлди.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

Оилавий шифокор пункти ташкил этилди

Халқ депутатлари Косон тумани Кенгаши депутати Лобар Абидова фуқаролардан тушайтган мурожаатларда қўтарилётган муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратади. Шу бос саяёвчилик партия-дошимизга ўзларини қийнаб келаётган турли масалалар юзасидан оғ-заки ва ёзма равишда мурожаат қилишди.



Яқинда “Пудина” маҳалласидан бир гуруҳ фуқаролар бандлик масаласида де-путатга мурожаат қилишди. Депутат ташаббуси билан маҳалладаги ишсиз фуқаро-лар рўйхати шакллантирилиб, 25 нафар ишсиз фуқаролар турли йўналишдаги мавсумий ишларга жалб этилди. Шунингдек, маҳаллада истикомат қилаётган кам таъминланган Лопа Турсуно-ванинг 3 хонали уйи ҳам депутат ёрдамида тулик таъмирлаб берилди. Уйга ке-раклик рўзгор буюмлари ҳомийлар томонидан ҳаёда этилди.

Дарвоқе, депутат ташаббуси билан кишлоқ одамларининг яна бир орзуси уш-шалди. “Пудина” маҳалласида оилавий шифокор пункти ишга туширилиб, 2 киши доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, депутатга ишга жойлашишда амалий ёрдам беришини сўраб мурожаат қилган, шу йил олийгоҳни тугатган Динара Муродулпаеванинг ҳам та-лаби қондирилди. Депутат саяъ-ҳаракати билан фуқаро Динара Муродулпаева 89-умумтаълим мактабига ўқитувчи сифатида иш бошлади.

Қашқадарь вилоят кенгаши матбуот хизмати

Сафимиз кенгаймоқда



Биргалиқда иш олиб боради. – “Адолат” СДПниче Сайловолди дастурида биз, бўлгуси шифокорлар фао-лияти билан боғлиқ қатор вазифалар қўрсатилган, – дейди талаба Сарвиноз Ҳамидова. – Бу менда қизиқини уйғотди. Шу сабаб “Адолат” ни танладим. Жа-моатчилик орасида фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга қара-тилган тадбирларда фаол иштирок этишни ўз олдимга мақсад қилиб олдим.

Анджон вилоят кенгаши матбуот хизмати

“Адолат” шарҳи

МЕРОСГА ОИД ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Фуқаролик ишлари бўйича суларда энг кўп қўрилатган ишлардан бири – мерос масаласи билан боғлиқ. Бу ҳолатни ҳамюртларимизда ворислик ҳуқуқи бўйича тушунчаларнинг етарли эмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бинобарин, мерос мавзусига яна бир бор эътибор қаратмоқчимизки, бундан кўнчилик ўзига керакли жавобларни олади, деган умиддамиз.

Мадина Йўлдошева, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судья ёрдамчиси

Албатта, айни масалада асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларига таянилади. Унга қўра, ворислик васият ва қонуни бўйича амалга оширилади.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос тарихида қиради. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номлуқлик ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин. Мерос фуқаролик ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатда очилади. Мерос қолдирувчининг ўлган қуни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарориде бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирмайдиган кун мерос очилган вақт ҳисобланади.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётли пайтда ҳимоя ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин туғилган болалари васият ва қонуни бўйича меросхўр бўладилар. Қолаверса, мерос очилган пайтда тузилб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос қолдирувчиси ёки эҳтимоли тўғилган меросхўрлардан бирор тасиби ҳақдан улдирган ёки улариинг ҳақиде суиксад қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонуни бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўзи ҳаётига суиксад қилганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно. Мерос қолдирувчи ўзининг охириг хоҳиширодини амалга оширишига қасддан тўқсинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига

яқин шахсларнинг ворисликка чиқарилишига ёқуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улushi қўйиштирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонуни бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан ҳақури эътибор ва мерос олган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга қўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вога етган болалар (фарзандликка олганлар) қонуни бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидеги хоҳиш-иродаси васият деб эътибор қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вақил орқали тузилишига қўл қўйилмайди. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонуни бўйича меросхўрлар доирасига қиради, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиш мумкин.

Васият қилувчи қонуни бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ берган ҳолда меросдан маҳрум қилишига ҳақиқи қонуни бўйича меросхўрини меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдир этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қилганидан аввалдарига нисбатан таътиб этилмайди.

Мерос қолдирувчи васият қилган пайтда ўзига тегишли бўлган мол-мулк тўғрисидаги фар-



моийшини ўзи ичига оладиган васиятнома тузишига ҳақиқи. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилигандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш қилиши ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатиши мажбур эмас.

Васиятномага киритилган, бирок меросхўр ўз саломамлигининг аҳолига қўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даражеси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёки бошқа тузилиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўзи қўли билан имзолай олмаса, унинг иттимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганда васият қилувчи ўзи қўли билан имзолай олмаганининг сабабларини кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Аммо нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, уш ш шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонуни бўйича меросхўрлари, тулик муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар, саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиغان бошқа шахслар, ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолаш-

дан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдига тулик ўқиб чиқishi лозим. Васият қилувчининг хоҳишига қўра васиятнома нотариус томонидан унинг маъни билан танишиб чиқмасдан (маъфий васиятнома) тасдиқланади.

Васият қилувчи истаган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишига ёқуд унда мажбур бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишига, ўзгартириши ёки тўлиқрақ бекор қилишига ҳақиқи.

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманин мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахилдор бўлмаётганини ошқор қилиши мумкин эмас.

Меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятноманин ижросини меросхўрлардан бирига ёқуд бошқа шахсга топширишига ҳақиқидилар.

Васият қилувчи мерос сифатига ўй-жой, кватирга ёки бошқа турар жойини оладиган меросхўр зиммасига турар жойини ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўрмбод фойдаланиши учун бериб қўйиш мажбурияти юклатишига ҳақиқи.

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг уллушларда қонуни бўйича биричи навабдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биричи навабдаги ворислар жумласига қирадилар. Мерос қолдирувчининг вафотига қарам камда бир йил унинг қаламоғиде бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилияти шахслар қонуни бўйича меросхўрлар жумласига қиради.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг иттимосига қўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Бундай гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан истаган вақтда меросдан во кечилишига ҳақиқи. Меросдан во кечмиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Меросхўр меросдан во кечганида васиятнома бўйича ёки қонуни бўйича меросхўрлар жумласидан бўлиши бошқа шахслар фойдасига во кечаетганини кўрсатиши керак.

Таълим

Бугунги кунимизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилолмаймиз. Аҳолининг катта қисми сўнги янгиликлардан асосан теделаро каналларининг информацион дастурлари эмас, балки ахборот сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар орқали хабардор бўлишадди. Зеро, интернет тармоғининг муҳим жиҳатларидан бири ахборотни юқори тезликда узатишдир.

Электрон ресурслардан оқилона фойдаланайлик

Шербек ЎСАРОВ, Тошкент давлат юридик университетини Ахборот-ресурс маркази бўлим муддир

Шунингдек, илмий фаолият билан шуғулланувчилар аксар ҳолларда ўзига зарурий ахборот-маълумотни излаб электрон китобларга мурожаат қилади. Бадий адабиётларининг электрон вариантдан фойдаланиш ҳолларини ҳам қўп учратамиз.

Шубҳасиз, электрон ресурслардан фойдаланишнинг ихобий томонлари бир талай. Булар қўйидагиларда намоён бўлади: - электрон китоблар доим ёнида, ундан истаган вақтда фойдаланиши имконияти мажбур;

- ваэжтларини махсус функциялари орқали электрон китобни истаган шрифтида ўқилиши мумкин;

- электрон китобларнинг муҳим жиҳати – бир китобдан кўпчиликни фойдаланиш имконияти борлиги.

Замон талаби билан бизда электрон китобга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Шунинг баробариде электрон китоб сарқовчи сайтлар, платформалар ҳам қўпайиб бормоқда.

Электрон китобларнинг қўпайгани яқши, аммо биз эътибор қилишимиз керак бўлган баъзи бир жиҳатлар мажбур.


Булардан бири муаллифлик ҳуқуқидир. Албатта, электрон китоб бўлгани ёки босма китобнинг электрон нусхаси бўладими, муаллифлик ҳуқуқи ҳимоялангани зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат – электрон китобларнинг сифатидир. Ҳозирги пайтда кўп электрон китобларнинг сифат кўрсаткичи пастлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўқувчининг қизиқишига, ўқишига салбий таъсир кўрсатади ва шунингдек, электрон китобдан маълумот олишида қийинчилик туғдиради.

Хўш, сифатсиз электрон китобларни сифатли қилиш имкони борми? Албатта, бор. Аввало, босма китоби электрон шаклга келтиришида сканер қурilmаларидан тўри фойдаланиши, тушветган ёруғлик ва китобнинг қурilmаларга тўри жойлаштирилишига эътибор қаратиш зарур. Шундан кейин сканер қилинган электрон китобга махсус дастурлар орқали ишлов бериш мумкин. Унда электрон китобнинг саҳифаларини ортинча доғлардан тозалаш, жумлалардаги сулар ва харфларнинг аниқ қилинишини таъминлаш, қийноқ-қийинчи сатрларни тўғрилаш ва барча саҳифаларни бир хил ўлчамга келтириш лозим. Дастурнинг бу каби функцияларидан кенг фойдаланган ҳолда электрон китобнинг сифат кўрсаткичи ошади.

Ерқин, сифатли электрон китоблар ундан фойдаланадиганларнинг электрон китобга бўлган қизиқиши ошишига, қўп ва қулай маълумот олишига ва электрон китобдан кенг фойдаланишига олиб келади.

Ҳозирги кунда босма адабиётларнинг электрон шаклини яратиши ва сифатига алоҳиде эътибор қаратиш ҳар бир кутубхонанинг муҳим ва асосий вазифасига айланмоқда.



Саёҳат

МОЗИЙГА ЯШИРИНГАН ХАЗИНАЛАР



Швециядаги Кунгэльв шаҳарчаси ўзининг ноёб осори атиқалари – тарихий маданияти, тошдан бунёд этилган қабилалар калъалари билан бутун дунёга маълум ва машҳур ласак, муқаддам бўлмайди. Шундай машҳур калъалардан бири 1308 йилда Норвегия қиролни Хокан V (1270-1319) томонидан бунёд этилган.

Жумагул ХОЛМИРЗАЕВА, Швеция, Гётиборг шаҳри

Кунгэльв шаҳар герцоги Эрик Магнуссон ақиси Вальдемар билан тит бириктириб, қичиқ уқаси Биргерга қарши Швецияга тожи учун кураш олиб бораётган бир пайтда Хокан V Кунгэльв герцоглигининг чегара ҳудудиде дастлаб ёғочдан харбий ис-

техтоҳ марпо эттирган. Чегара ҳудудиде жойлашган ёғоч истеҳком бироз вақт ўтиб тошдан қайта қурилган ва у Швециядаги энг мустаҳкам калъалардан бирига айланган. Қалъа комендантги вилоятнинг аввал наубини, сўнг шимолий қисмидаги

ерларни ўзлаштириб олганидан сўнг истеҳком Бохус қалъаси номини олган.

Қалъа ташқи душманлардан ҳимояланishi мақсадига мувофиқ девори билан, деворлар орғи эса хандяклар билан ўраб олинган. Олдига ҳақимий калъаларда дарвозалар қўп бўлмаган, бунга сабаб четдан келган босқинчилар ҳужуми ёки ички сотқинлик ҳақиша хавф солиб турган. Бохус қалъасининг ҳам фақат битта дарвозаси бўлиб, у қирол арқали ақинида жойлашган. Қалъа деворига катта ҳажмдаги тошлар терилган бўлиб, унинг баъзи жойлариде мустаҳкам истеҳкомлар, буржлар ва аскарлар юриши учун махсус йўлақлар бўлган. Қалъанин шимо-

лий-ғарбий миноралари тўртбурчак қолан учтаки юмалоқ шаклда. Қалъанин ғарбий қисмида “Қизил минора”, яъни черков жойлашган. Ташқи истеҳкомлар тарғибсиз етти бурчак ҳосил қилган. Қалъанин юқори қисмида қиронинг ақинлари учун ўзи маросимлари ўтказиладиган хашаматли хона, пастки қаватида эса сийсий маъбуслар сақланиб, қатт эътириладиган зиндон мавжуд.

1344 йилда Эрик Магнуссоннинг ўғли Хокан Норвегия қиролни деб эълон қилинган, Бохус унинг даврида муҳим истеҳкомлардан бирига айланган. 1389 йилга келиб қалъа харбий асирлар сақланадиган қамқонага айланган. Бу ерда илк

бор Мекленбург қиролни Альбрехт ҳибсда ушланган.

Урта асрларда Бохус қалъаси кўп маротаба ташқи душманлар томонидан қамал қилинган бўлса-де, ҳеч бири уни ишғол этганимаган. Кўп йиллар давом этган қамаллардан бири 1531 йилда Дания қиролни Кристиан II томонидан амалга оширилди. Скандинавия етти йиллик уруши вақтида (1563-1570) шведлар қалъага беш маротаба ҳужум уюштириб, уни ишғол этиш мақсадига қаттиқ жанг олиб бормди. Айниқса, 1566 йилнинг март оидида қалъа жиддий синовларни беришдан ўтказди. Нильс Бойе ва Нильс Стуре қалъани эгаллаш мақсадига тўрт маротаба қамал қилди. Фақат охириг, бешинчи уринишдагина

шведлар асосий минорани эгаллашга муваффақ бўлишадди. Қамал вақтида қалъанин жуда кўп қисми портлатилиб қаттиқ зарар етказилди. Қайта ҳаётга ҳужумлар оқиба тда қаттиқ шахматланган қалъа 1595, 1605 ва 1645 йилларда таъмирланади.

1658 йилда Роскилле шартномасига қўра Бохус қалъаси Швеция ихтиёрига ўтди. 1675-1679 йилларда, яъни Дания-Швеция уруши пайтида қалъа яна Голлендеев қўмондонлиги ва тарихий мерос ҳисобланган Бохус қалъасининг вайрон қилиниши таъминланди. 1925 йилдан Бохус қалъаси қурилиш бошқармаси томонидан қаттиқ назорат остида олиниди ва 1934 йилдан қайта тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Қалъанин асосий дарвозаси қайта тикланиб, Густав V мувоғарамаси асосида безатилди. Ҳозирги кунда ҳам Бохус қалъасида қайта таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Чунки топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сурдум мақол...
Турк назмида чу мен тортиб калам,
Айладиим ул мамлакатни яққалам...
Алишер НАВОЙИЙ

ОНА ТИЛИ ҲАҚИДА

Миллий ҳокимиятимиздан ҳозирча ажраб турган бўлсак ҳам, миллий ҳиссиётимиздан ажрамай, уни саклаш ола- сак, келажакда душманларга ютилиш- дан ўзимизни қутқара оламиз. Энди бу мақсадга етиш учун қўйилган масала- ларнинг энг биринчи шарти тил маса- ласидир. Агар биз тил-адабиётимизни кенгайтириб, унинг кадр-қимматини ошириб, бошқа маданият тиллар дара- жасига етказиб оқнамиз, мана, бу чоғда миллатимиз, миллий ҳиссиётларимиз диний равишда ўсиб саклангансиз. Агар бундай бўлмай, балки аксинча, ўз она тили қадрига етмасдан унга аҳамият бермас эканлар, у чоғда кўп узоқламаёқ ақлидо айтади, ўз тиллари- дан абдий ажратган бўладилар.



Алихонтура СОҒУНИЙ

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ

Нотийқ деди:
«Тадқир шу,
Бу жасоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда».
«Эй воиз, кастра тушимин,
Бу гап чиқди қаероин!»
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.
Ким дарзаб,
Ким хайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте, Шиллер ва Байрон,
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.
«Вахшигини қўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайдир.
Барча оёди баробар:
«Она тилим ўлмайди».
– Хей, бу қандай ақиди! –
Қўлида табаррук жом,
Ўғал форсий ҳақида
Рубоий айтади Хайём.
Эхтиросини, ошандил
Бераёқ сурди нолон:
– Наҳотки, фаранси тили
Йўқолгуси бир замон!
Неруда, Лорка турди
Сервантеснинг ёнига:
– Ким қасд этиб тил урди
Она тилим жонига!
Фузуний ёни:
– Озир
Тили гўлдек сўлмайди.
Барча оёди баробар:
«Она тилим ўлмайди».
Камалакдек ранго-ранг
Бўлсин деб санъат, тиллар,
Арсларча қилдиб жасн,
Армон қилдиқ минг йиллар.
Бекдор бўлса, наҳот,
Тиллардаси тароват,
Йўқолди бу кун, хайҳот,
Қабрларда халоват!
«Фавус» ёнид урғулаб,
«Хамса» ўтга туташди.
Бир савдо жонинг бўйлаб
Таради, тоғлар ошади.
Бу савдо янгар ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Олам айтар:
Чеч қачон
Она тилим ўлмайди!

Тил – инсонни ҳайратга солувчи муқташам мўъжиза, тенгсиз тил- сими, ноёб неъмат. Тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир, у ёки бу миллат маданиятини шаклла- рини белгиловчи, миллатни миллат сифатида танитувчи, фикрни қуроллантирувчи, таъқи олам билан инсон ички олами ўртасида «востайи робитани оламиёндур». Тил муайян миллатнинг маъри- фати, маънавияти, маданияти инъикосидир.

ЗОҲИДА МУҚИМОВА, Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Машҳур француз тилшуноси Фер- динанд де Соссюр сўзлари билан айтганда, «Тил – ижтимоий ҳодиса, ҳар бир она тилида сўзлашадиган одамда мавжуд бўлган нутқ фао- лияти қобилиятининг бажарили- шини, ишлангани ҳамини учун жамом томондан қабул қилинган зарур конвенциялар йиғиндиси». Опишлар тилшунослик тараққи- ётининг турли босқичларида тил- нинг миллий ўзига хослиги ғоясига мурожаат қилишди. Буларнинг бар- часи хилма-хил ва кўп томонлама хулосаларни ишлаб чиқишга ёрдам берди. XX аср охирида «Тилини фақат белгилар тизими сифатида эмас, балки жонли мулоқотта асос- ланган оқиқ тизим сифатида ўрга- нуви, бошқа тиллардан – жамият, инсон, маданият, руҳият қабиляр билан узвий алоқдорликда таҳ- лил этуви, инсонни тил ичиде ёки тилини инсон ичиде таҳлил этишга йўналтирилган қарашлар ва таъ- лимотлар мажмуи» (Д.Худойбер- ганова) ҳисобланувчи антропоцен- трик парадигма вуқудга келди, яъни тилин ўз соҳиб, унинг мил- лий менталитети, миллий мадания- ти билан бирга тадқиқ этиш барқа- рорлашди. Мазкур ёндашувда тил инсон учун, унинг ҳаётини фаоли- ятида ривожланиш учун аҳамияти нуқтаи назардан урганилади. Бу- гунги глобаллашув даврида тилини ўрганишда унинг маданият билан муносабатини ёритиш мумкин. «Эро, инсон, тил ва маданият эт- у тирмондек бирикши ҳисил қилади. Тил миллатнинг гурури, мавжуд- лик шарти, халқнинг руҳи, миллий маданият кўрсаткичидир». (Ф.Усмо- нов). Ҳар бир миллат кишининг ўз тафақури, ўзини қуршаб олган оламини ўзига хос кўриш тарзи, ни- гоҳи бор.

Миллий нигоҳ дунёқараш эмас, дунёга қараш ва уни кўришдир. Бу миллий нигоҳ таъсирида тафақ- курда образ, рамз, тушунчалари ҳо- сил бўлади. Профессор Ерқижон Одилов тилининг аҳамиятини таъ- кидлаб, шундай дейди: «Инсон бир- рор нарсанинг муҳитини билиш учун аввал шу нарсанинг хосса ва хусусиятларини аниқлайди. Бунда унга махсус ном остида рамзланган мавжуд билимлари ёрдам беради. Агар тафақкурда мавжуд билим- лар махсус ном билан рамзланма- ганда эди, инсонда билимининг ўзи бўлмасди. Демак, билимлар рамз- ланган номлари билангина тафақ- курда мавжуд. Агар аниқланган на- рсанинг номи бўлмаса, яъни нарасга ном берилмаса, тафаққурий ту- шунчаларни бир-бирдан фарқлаб бўлмайди. Тушунчаларни фарқла- маслик эса тафаққурийн ўзини «ишдан чиқаради», идрокдаги иж- тизоми бўлади».

Демак, инсонни қуршаб олган атрофидеги олам унинг лисоний ҳо- тирасида махсус ном билан рамз- ланади. Муайян номларга рамз- ланган тушунчалар эса унинг тили воситасида намоён бўлади ҳамда улар лингвимадаги қоллар – «Мах- сус лисоний ифодалар» орқали бошқа тушунчалардан фарқланади. Шун- дай экан, у ёки бу миллат ментали- тети, маданияти, оламнинг идрок этишдаги ижтизоми унинг тилида аққон ифодланади.

Ўзбек тили – ўзбек халқининг ма- данияти махсуси. Чунки ўзбек тили – ўзбек миллатининг ўзбекона тафақ- кури ва тасаввурлари жамланмаси. Халқнинг руҳи унинг тилида воқе- ланиб, у фақат унгагина тегишли ва унгагина тушунарили бўлади. Тил ва маданият, тил ва тафақ- кур ўртасидаги алоқа масаласи ўз доирасидаги йўқотилган ма- салалардан ҳисобланади. Антропо- центрик парадигма доирасида ри- вож топаётган тилшунослик ушбу масала билан, яъни лисоний бир- лиқлари миллат маданияти бил- лан алоқдорликда тадқиқ этади. Лингвимада тилшунослик филоло- гик фан сифатида олинган танлан- ган маънавий қадриятлар тўпла- мини ва маълум бир миллий-ма- даний жамоанинг тилшунослик таърибисини ўрганишда, тил ва мада- ниятнинг ўзаро боғлиқлик белгила- риға бевосита этибор қаратади. Тил ва маданият ўртасидаги муносабат муаммолари лингвимада тилшу- нослик доирасида устуллик қилади. Миллатнинг миллий-ментал ху- сусиятлари, миллий менталитетга

Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадур- ган ойшақ ҳаётни тил ва адабиётидур. Миллий тилини йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур. Хайҳот! Биз туркстандилар миллий тилини сакламак бир тарафда турмуш кундан-кун унутмак ва йўқотмақдурмиз. Тили- мизнинг яриқса арабий, форсий элагани қаллик қилув, бир четига рус тилини ҳам ёшидурмақдурмиз. Дурст, бизларга ҳукуматимиз бўлгун рус лисонини билимак ҳаёт ва соавитимиз учун ош ва нон қаби кераклик нарсадур. Лекин ўз ерида иштатмак ва сўзламак лозимдур. Зигир ёш савдо мошқачри қаби қилув, араши-куралани қилмак тилинги руҳини бўздувр.

ТИЛ «ҚАБРИСТОН»И КЕНГАЙМОҚДА... (МИ?)

ёҳуд тил байрами арафасидаги ўйлар

Бир қарашда кимгадир эриш туолар. Лекин бор ҳақиқат шу: тил «қабристон»и, сўз «қабристон»и бор ва у кун сайин кенгаймоқда. Агарда шу кетиб бўлса, яқин йилларда ўзимиз, ўз қўлларимиз билан жуда ҳам чуқур қабр қазимиз, ичига ўзимизни, миллатни – тилимизни кўмагимиз!

РУСТАМ ЭМИН, шоир

Биз «жадал суръатлар» билан бунга қараб интилмоқдамиз. Хо- зир болаларимиз тонгда қўлапарини очмишганданқо бир вақтлар бизга айтишгандек «ноншта»га эмас, балки «завтрак»ка чақирла- шади. Кейин эса фалон «этаж» (қават)дан нагста қараб йўрғала- шади. Шу аснода бобо ёки бувиси хайрлашса, «ответ» (жабов) қи- лишга ҳам улғуришадди. «Успеть» (улғурмай) қилолмай қолса, теле- фондан SMS ёнориб қўя қолди.

Ўзимиз ҳам набиралардан балки ёки мактабга, ўилп-қизларни ишарига юборганимиздан кейин бижинимизда пайдо бўлган орғиқ сабабини билиш учун «печка» (буира)қимизни кўрсатгани до- қторга қараб чоламиз. Еки «оплом» (улғурчи) нараса олгани бозога йул оламиз. Лекин бозода ўзимиз истеган «коричневый» (жигар- ран) туфли тополмай «черничить» (асабиллашиб) қилиб қайтиб келамиз. Шу даражада «черничить» (асабилий) қиламизки, ис- талган жойдан топиш мумкин бўлган «носки» (папоқ) ҳам эздан чиқиб қолади. Сунг «аптека» (дорихонадан) «нерв» (асаб)ни «успо- коить» (тинчлантириш) қилиш учун «таблетка» (хақдори) оламиз. Уйга қайтиб келганимизга «обед» (тушлик) бўлиб қолади. Нойлож, қошиқ-«вилка» (санчиқни) олиб, оқватлана болаймиш. Шу орада эшиқ тақиллаб, «сосед» (қўшни)миз «холодец» (пийлдоқ) кўтариб чиқади. Энди «обед» ҳам «вообше» (умуман) «корольевски» (шоҳна) бўлиб қолади. «Сосед» билан «обед» (тушлик) қилгач, бироз су- батлашиб ўтирамиш. Кейин гапимиз бир ердан қетиб, унинг иви- қилиб (булиб) тўлашга олган машинасида «братан»ларни (оғайни) йўлагани чикиб кетамиз. Йўлда «сосед»нинг донмини «клиент»лари олдига қириб, суқбаллашмага ҳам «успеть» (улғурмай) қиламиз. Хулоса, анчадан бери кўрган жойимизда «тулчи» (айланб), «сайру савахт» қилиб, ярим кечаси уйга қайтамиз.

Бу вақтда телевизорда тил байрами муносабати билан концерт бўлаётган экан...

...Ана шунча гаплар, азим миллатдошим. Биз ўз қўлларимиз билан тилимизга, миллатга қабр қазимокдамиз. Шунинг баробари- да тил байрамини ишонлашга ҳам улғурамиз. Қайси тилинги байрамини, деган савол туғилади. Наҳот ноғирон, касалданм бўлиб қолган тилга байрам уюштирас, баму жамонд қилмасқ? Шун- инг баробарида ўн-йигирма йиллар мобайнида қайси илмога ўтишни қилолмай, бир-биримиз билан талашиб-тортишиб қорак... Буни қандай тушуниш мумкин?

«Тарақийт» атлашиш машина бор. Бу шундай машинаки, йў- лда учраган бор нарсани босиб кетаверади. Ушбу аждаҳсоимон машина арлар мобайнида шундай қилиб келган ва ҳозир ҳам мана шу йўлдан бормоқда. Бу балки ҳаётнинг ёзилган қоида- сидир. Бир вақтлар форсий ва арабий сўзлар туркий тилимиздаги айрим сўзлар қабридо маънода ўтишга, айрим қолларда эса ривожига ҳиямат қилди. Йўқотишимиз Баробарида тилимизга бир қатор сўзлар ҳам кирди қелди. Жумладан, биз «молоки» (сут), «қўл- боски» (қопбаса), «ўтуг» (ўтюр), «товар шик» (товаршиқ) қаби сўзла- римизни йўқотди. Архаик сўзлар қотаришга қишди. Интернет, комп- ютер, чип ва яна аламбало сўзлар лугатимизга ўрнатиб олди. Лекин буғун бу машина шу даражада жадаллашмоқдаки, мажбурий равишда тилимизни майиб-мажурх қилмоқда. Қабристон, тил қабристонига, сўз қабристонига кенгаймоқда. Кейинги икки аср қўллаб миллатларнинг тилларини ана шу қабристонга тикиб юборди. Тил- лар йўқ бўлиб кетди. Айнан шуниси жуда ҳам қўрқинчлик. Ана шун- дан қўриқ, тилимизни асраш керак, миллатдош!

Кимдир мақолани ўқир экан, нимадан ҳам қўрқардики, ахир тил турғисидеги қонун бор, биз тил борасида эр қонунини қабул қи- либ қўйганимиз, дейиши мумкин. Қушиланан, қонунимиз бор. Ке- линлар, азим миллатдошлар, ҳеч бўлмаса ана шу қонун ишлаши учун, тил бутлиги учун бормизини берайлик, уни ҳимоя қилайлик.



Ўзимиздан бошлайлик

Тил ҳар бир миллатнинг кўзгуси, мукамал алоқа воситаси, унинг ҳақиқий сарчашмасидир. Дарҳақиқат, тил бор экан, миллат барҳаётдир. Тилининг Онаги қилиншани замирида ҳам олам-олам маъно муҳассас. Инсон ўз онасини ҳар ҳақиқа, ҳар сонияда кўр- масдан, унинг соф муҳаббатини, меҳрини туймасдан яшай олиши мумкин эмас.

Сарвиноз КАРИМОВА, «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят кенгаши фаоли

Бугунги кунда ер юзиде 5600 дан ортиқ тил мавжуд бўлиб, шундан 200 тагини давлат тили сифатида қабул қилинган. Уларнинг орасида ўзбек тилининг ҳам борлиги унинг нақадар мукамаллигининг ёркин далилидир.

Шу ўринда ҳақиқи савол туғи- лиши табиий: наҳотки, бой ўзбек тили бирор-бир жойда ном қўлиш учун яроқли бўлмаса? Афсус, бар- чамизга маълумки, шавҳримиз қў- ларидаги қўллаб дўқонлар, супер- маркетлар, емасхоналар, өзүлпик

салонлари, боғчаларга қўйилган номлар ўзбекча эмас. Қарши шаҳри- даги кўчаларни айланб, дўқон- лар, маиший хизмат қуратиш шо- хоқчалари пeshлавахалари өзүлпа- рини қуриб ажабланасан, киши. Негаки, уларнинг кўчилиги хори- жий тилларда. Нақадар ачинарли ҳолат бўлишига қарамай, биз бунга одатий ҳол сифатида қўни- қиб яшаб келмоқдамиз. Ахир биз ўзбекистонда яшаймиз-ку! Нима учун хой номларини ўзбек ти- лида номламаймиз? Бунинг учун ким айбдор: давлат орангарини ёки ўзимизми? Расмларга қаранг, Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кў-

часи бўйлаб юрар экансиз, акса- рий биналар пештоқдаги ўзбекча эмас, рус ёки инглиз тилидаги номларга кўзингиз тушади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар би- римиз давлат тилига бўлган эъти- борни, муваффиқликка бўлган эъти- бор деб, давлат тилига алоҳида эҳтиром ва садоқати она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билиши- миз, шундай қарашни бугунги ҳа- ётимиз қондасига айлантиришимиз лозим. Бундай ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоа- миздан бошлашак, ўзбек тили ҳар то- монлама ривожланишига бевосита хисса қўшган бўламиз.

